



Темурбекнинг балогат даври Кешда, унинг теvarак-атрофларида жойлашган отаси мулкларида кечади. Сохибкироннинг илк оилавий хаёти хакида тарихий манбаларда кишини кониктирадиган маълумотлар берилмайди. 1360 йилга қадар Амир Темурнинг иккиўгли – Жахонгир ва Умаршайх Мирзолар бўлганлиги далили мушохада этиладиган бўлса, Темурбекнинг 16-17 ёшларида уйланганлигини тахмин қилиш ўринли кўринади. 1377 йилда кенжа фарзанди Шохрух Мирзо таваллуд топганда Сохибкирон Амир Темурнинг ёши қирк бирга тўлиб, пири бадавлатлик рутбасига кўтарилган, тўрт ўғил, икки қизнинг отаси бўлган эди.

Сохибкирон Амир Темурнинг ўғиллари Жахонгир, Умаршайх, Амироншоҳ, Шохрух Мирзолар тўғрисида Шарафиддин Али Яздий, Гиёсиддин Али Яздий, Муиниддин Натанзий, Абдураззоқ Самарқандий, Фасих Хавофий, Хондамир, ибн Арабшоҳ асарларида етарли маълумотлар берилади. Бирок, Амир Темурнинг қизлари Султон Бахт бегим, Ого бегимлар борасида зикр этилган манбалардаги хабарлар йўл-йўлақай, кам ёхуд зиддиятли йўсунда эканлигини қайд этмай бўлмайди.

XV асрга тааллуқли манбаларнинг айримларида Амир Темур қизларининг унинг синглиси тариқасида кўрсатилиши, тугилган йиллари айтилмаслиги, қайси бири қатта-кичик эканлиги, оналарининг қимлиги баён этилмаслиги қаби мавхумликлар учрайди. Сохибкирон қизларининг сиёсий хаётга фаол аралашмаслиги уларнинг тарихий асарларда етарли талқин этилмаслигига сабаб бўлганми, деган мушохада қўнгилдан кечади.

Яна, отанинг қизларига меҳри ўғилларига қараганда сустрок бўлганлиги, эҳтимол, шундай оқибатларга олиб келганмикин, деган андиша ҳам хаёлда жонланади. Амир Темур қизларининг саройда қандай мавқе тутганлигини инқишоф этадиган далиллар кам бўлишига қарамай, уларни бутунлай йўқ деб бўлмайди. Ота меҳри, қизларини қанчалик яхши қўриши хусусида гап борадиган бўлса, Амир Темурдаги бу фазилатни алоҳида қадрлаш, ибрат қилиб кўрсатишга тўғри келади. Бу ҳақдаўрни билан сўз юритилади. Амир Темурнинг Султон Бахт бегим исмли қизи унинг суйикли хотини Улжой Туркон Огодан тугилади. Улжой Туркон Ого Амир Қазагоннинг набираси эди. “Зафар йўли” қитобида бу ҳақда шундай дейилади: “Бир қуни мен улусдагиларнинг маслаҳати билан Амир Қазагоннинг мажлисига бордим, чунки отам қариб, улус билан муомала қилишга ожиз эди. Унинг ўрнига Амир Қазагон билан суҳбат қилдим, сўзларим таъбига мос тушди ва мен билан узок гаплашди, сўнг, тўсатдан менгаўз набирасини никохлаб берди”.

“Зафар йўли” – таржимаи холни Амир Темур ёзган эмас, кейинчалик яратилган асар, деган карашлар ҳам йўқ эмас. Шундай бўлган тақдирда ҳам, унда келтирилган воқеаларнинг тарихан тўғрилигини инкор этиб бўлмайди. Чунки 1346-1347 йилда Каршида Чигатой авлодининг сўнгги хукмдори Козонхонни маглуб этиб, мўғулларнинг асрлар оша давом этиб келган истибдодига чек қўйган ваўн икки йил мустақиллик яловини кўтариб, ҳокимиятни бошқарган Амир Қазагон барлосларнинг мавқеини эътиборга олиб, Амир Тарогайнингўгли Темурбекниўзига яқин қилишни макбул қўради. Амир Қазагон 1357-1358 йилда суикасд қурбони бўлади. Шунга қараганда, Темурбекнинг Амир Қазагон набирасига уйланиши 1356-1357 йилда бўлган, деган ҳулосага қелиш мумкин. Бу вақтда Амир Темур 22-23 ёшга қирган эди. Улжой Туркон Ого Амир Хусайннинг синглиси эди. Қазагон авлоди билан қариндошлашиш амалга ошгандан кейин, Амир Темур ва Амир Хусайн мўғулларга қарши биргалашиб қурашадилар. Бу қураш йилларида машаққатлар, қийинчиликлар, ўлим билан юзма-юз қелишлар рўй беради. Улжой Туркон Ого ҳамиша эри билан бирга бўлади, оғир қунларни бошданўтқаради. Мўғулларга қарши қураш йилларида Амир Хусайн феълидаги ҳудбинлик, давлатга, бойликкаўчлик, ўзим бўлайчилик қутқуси қаланд қела бошлайди. Икки амир ораси қун сайин бузилиб боради. Шу орада Улжой Туркон Ого фарзандлик бўлади. Соҳибқирон қизалогига Султон Бахт бегим деб исм қўядилар.

Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда “Омадли Соҳибқироннинг салтанат насабли фарзандларидан улугворлик ва салобат ҳуққасининг дури бўлмиш Султон Бахт бегимўша Балқис (Улжой Туркон Ого-О.Р.) сифат русумли Бону ифқат ва улуглигининг натижаси эрур”, деб ёзади. 1365-1366 йиллар Амир Темур учун ниҳоятда ташвишли ва таҳликали қечади. У 1366 йилнинг ёзида лашқар йиғиш билан банд бўлиб юрганида Туркон Ого бегим ҳасталаниб, вафот этади. Султон Бахт бегим онасидан айрилганида эсини таниб қолган қизалок эди. Унинг тугилган йили ҳеч бир манбада эслатилмайди. Харқолда, у 1360 йилдан олдин таваллуд топган ва Жаҳонқир, Умаршайх Мирзолардан сўнг, тўнгич қиз бўлиб дунёга қелган. Жаҳонқир Мирзонинг онаси Амир Тарогай амақиларидан бўлган Амир Жоқунинг қизи Нурмиш (Нурмушқ) Ого дейилади баъзи манбаларда. Умаршайх Мирзонинг онаси исми шарифи эса эслатилмайди, қамаси, унинг волидаси эрта вафот этган Қутлуг Ого бўлганлиги таҳмин этилади. Улжой Туркон Ого Амир Қазагоннинг яхши нияти билан унга севиқли ёр бўлган эди.

Онадан олти-етти ёшлигида айрилган Султон Бахт бегим тарбияси билан Амир Темур ҳарамининг яқин аёллари шугулланган. Темурбек қизалогига алоҳида меҳр қўрсатган, унинг эркинўсишига шароит яратган. Қўнглиўқсимаслиги учунўгиллари қабил машқлар қилишга ҳам руқсат берган. Султон Бахт бегим, шу сабабли, жасур ва мардона бўлиб улғаяди, сафарларда, жангу жадаллардаўзини тутта оладиган, харб-зарб ишларидан ҳабардор, қиниққан қиз бўлиб воёга этади.

Ибн Арабшоҳ “Темур асқарлари ичида аёллар ҳам қўп бўлиб, улар жанг тўс-тўполонлари ва шиддатли тўқнашувларда матонат қўрсатардилар. Улар душман эрқакларига қарши туриб, мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санқишда, қилич билан зарба беришда ва қамондан отишда моҳир эрқаклардан қўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар”, дейди “Амир Темур тарихи” асариди. Амир Темурга ниқбатан адоватда бўлган Ибн Арабшоҳ шу асариди Соҳибқироннинг “Султон Бахт деган қизи бўлиб, у ўзини эрқакча тутиб, уларни ҳуш қўрмасди. Бу Самарқандга қелган Бағдод аёлларининг таъсири остиди” бўлганлигини айтишни ҳам унутмайди. Бағдод аёллари Самарқандга XV асрнинг бошларида олиб қелинган, бу вақтда Султон Бахт бегимнинг ёши қирққа яқинлашган,

иккинчи эри Сулаймоншоҳ билан яшаётган эди. Багдод аёлларининг унинг “эркакча” феъл-атвориға таъсири амалда бўладиган гап эмасди. Султон Бахт бегим чинакамига жасорат руҳида тарбияланган ва бу сифатлари билан танилган. Ибн Арабшоҳ унинг ҳақида эшитганларидан ўзига макбул хулосалар чиқарган.

Султон Бахт бегим Амир Темурнинг сафдошларидан бири, Амир Хусайн томонидан қатл этилган Шер Баҳромнинг ўғлига узатилган эди. Шер Баҳром Хутталон амирларидан бўлиб, кўп жангу жадалларда Соҳибкирон томонидан турган эди. У Амир Хусайннинг алдови билан кўлга тушиб, ўлдириб юборилган эди. Амир Темур 1370 йилда Амир Хусайнни орадан қўтариб, Туркистон тахтини кўлга киритгач, Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракни ўз тарбиясига олади. Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда “Муҳаммад Мирак ҳукмдор билан яқинлашиш бахтига муяссар бўлган-у Соҳибкироннинг қуёви эди, юксак бахт соҳибаси Султон Бахт бегим унинг хотини эди.

У Соҳибкирон томонидан, унинг назар-эътибори сояси остида бўлиб, Хутталон мулки ва аҳолиси унга тўлиқ бағишланган эди”, деб ёзади. Султон Бахт бегимнинг Муҳаммад Миракка теккан йили аниқ эмас. Уларнинг тўйи 1370 йилдан кейинроқ бўлган. Султон Бахт бегим ва Муҳаммад Мирак (Мирко деб ҳам ёзилади – муал.) 1388 йилга қадар бирга турмуш кечирганлар. Шарафиддин Али Яздий айтганидек, “Одам бойиса исён қўтаради”, Муҳаммад Мирак ҳам Амир Темурга қарши хиёнат йўлига қиради. Фасих Хавофий 1388 йил воқеаларини ҳикоя қилар экан, шу йили Соҳибкироннинг Хоразмга бешинчи марта қўшин тортганлиги ҳақида сўз юритади. Лашкар йўлда эканлигида Муҳаммад Миракнинг укаси Абулфатх сафдан қочганлиги хабари Амир Темур қулогига етади. Абулфатх қидириб топилади ва қочиши сабаблари аниқланади. У акаси амир Муҳаммад Миракнинг қўшиндан ажралиб исён қўтарганлигини, ўзининг ёнига қорлаганини айтади. Абулфатх қатл этилади, хиёнаткор қуёв Муҳаммад Мирак ҳам Умаршайх Мирзо томонидан 1388 йилнинг баҳорида ўлдирилади. Хиёнаткор қуёв қатлга етказилганда Султон Бахт бегим ҳали 25 ёшга тўлмаган эди. Орадан икки йилга яқин вақт ўтгач, Султон Бахт бегим Амир Довудбек Дўғлатнинг ўғли Сулаймоншоҳга узатилади. Бу тўй 1390 йил киши охирларида бўлади. Сулаймоншоҳ Соҳибкирон Амир Темурнинг жияни, унинг онаси Қутлуг Туркон Ого Амир Темурнинг опаси бўларди. Қутлуг Туркон Ого Самарқандда яшар эди. Мўғуллар тажовузи ва таъкиби қучайган йилларда Темурбек улардан яшириниб, опаси уyiда қирқ саккиз қўлаб қолиб қетган пайтлар бўлганди. Соҳибкирон опаси ва синглиси Ширин бекани қаттиқ ҳурмат қилар, уларни жонига жойларди. Фасих Хавофий “Мужмал-и Фасихий” (1441) асарида Султон Бахт бегимнинг Сулаймоншоҳга эрга берилиши санасини ҳижрий 791 йил (мил. 1388-1389 й.) деб қўрсатади.

Муаррих Шарафиддин Али Яздий шу даврда Сулаймоншоҳнинг обрўси ва мавқеи юксак бўлганлигини таъкидлайди. У 1390 йил бошларида Худойдод Хусайн, Шамсиддин Аббос, акаси Амир Усмон ва бошқа қўшин бошликлари билан Мўғулистонга қилинган юришда 20 минг лашкарга бошлиқ қилиб тайинланади. Сулаймоншоҳ Дашти Кипчоққа, Тўхтамышхонга қарши амалга оширилган юришларда ҳам Амир Темур ишончини қозонади, баҳодирлик қўрсатади. Соҳибкирон Хирот мулкларини идора қилишни кенжа ўғли Шохрух Мирзога топширганида, Амир Сулаймоншоҳбек, Амир Мизроб Жоку сингари улуг бекларни унинг хизматиға ўтқаради. Кейинчалик Сулаймоншоҳ Соҳибкирон фармониға қўра, Хиротдан Қач ва Макрон тарафларга лашкар тартади. У ҳамиша улуг ҳукмдор эътиборида бўлади.

Сулаймоншоҳнинг кейинги тақдири Соҳибкирон вафоти билан боглик воқеалар ривожида кечади. 1405 йилда у Шопургон ва Андхой мулкларини идора қилиб турган

эди. Тахтга даъвогарлик килаётган набиралардан бири Султон Хусайн маглуб бўлиб, Сулаймоншоҳ хузуридан бошпана топади. Пир Мухаммад эса кочкин бўлган Султон Хусайнни унга топширишни талаб килади. Талаб адо этилмагач, Сулаймоншоҳга карши 3 минг кишилик кўшин юборилади. Лашкари оз бўлганлиги сабабли Сулаймоншоҳ Султон Хусайн билан Хиротга, Шохрух Мирзо хузурига кочиб борадилар. Султон Хусайн Амир Темурнинг иккинчи кизи Ого Бегимдан тугилган эди. Унинг хакида кейинроқда фикр юритилади.

Хиротда яхши қабул килинмаган, жанглarda омади юришмаган Сулаймоншоҳ Самаркандга, Халил Султон хузурига кетишга мажбур бўлади. Халил Султон уни илик қаршилайди ва ўз кўшинининг илгорида бошлик килиб кўяди. Халил Султон билан Шохрух Мирзонинг Соҳибкирон тожу тахти учун олиб борган курашида Сулаймоншоҳ Халил Султон тарафида туради. Шохрух Мирзонинг кўли баланд кела бошлайди. Тарихий манбаларда 1406 йил воқеаларидан кейин Сулаймоншоҳ номи учрамайди. Султон Бахт бегим бу йилларда эри билан бирга бўлган, қисмат тўлкини уни Жайхуннинг гох у киргогига, гох бу киргогига улоктириб турган. Сулаймоншоҳ тахт талабгорлари жангу жадалларида халок бўлган кўринади.

Султон Бахт бегимнинг кейинги ҳаёти хакида ҳам аниқ хабарлар сақланмаган. Бир нарса аниқки, Султон Бахт бегим эри Сулаймоншоҳ қарашларига содиқ қолган. Сулаймоншоҳ Халил Султонга садокат билан хизмат қилгани қаби, Султон Бахт бегим ҳам унинг йўлидан бориб, Амироншоҳ Мирзо ёнида бўлади. Амироншоҳ Мирзо Халил Султоннинг отаси эди. Абдураззоқ Самаркандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” (1470) асарида 1405-1406 йилда юз берган “Ирок ва Озарбайжон воқеалари хикояти” хакида сўзлар экан, “Мирзо Мироншоҳ ва Мирзо Абу Бакрлар Хуросон чегарасидан қайтиб, Ажам Ироқи ерларига қирдилар ва Султон Бахт бека ҳам улар билан бирга эди”, деган фикрни айтади. Мироншоҳ Мирзонинг омади юришмайди. Эронликлар босқин уюштирадилар. Ўғли Абу Бакр Мирзо кўнолгаси талафот кўради, “Исфохонликлар ҳаммани тўс-тўполон қилиб, хотинлар, болалар, қанзаклар, отлар, ҳачирлар ва туяларни ўлжа олдилар ҳамда Султон Бахт бегимни ва Мирзо Мироншоҳнинг бир ҳарамини кўчиртириб, Райнинг Сориқамиш мавзеидан орқага қайтдилар”, дейди Абдураззоқ Самаркандий.

Шохрух Мирзо тахт талабгорларини маглуб этиб, салтанатни эгаллайди. Мироншоҳ Мирзо 1408 йилнинг 21 апрелида Қора Юсуф кўшини билан бўлган жангда ўлдирилади. Орадан уч йил ўтиб, Халил Султон ҳам 1411 йилнинг 3 ноябрида оғир ҳасталиқдан вафот этади. Султон Бахт бегим ўтган йиллар давомида Амироншоҳ Мирзо, Халил Султонлар хузурида ҳаёт кечиради. У истаса, ҳукмдор Шохрух саройидан жой, марҳаматидан умид қутса бўлар эди. Шохрух Мирзо отасининг хотинларига эътибор ажратган, уларнинг кўпчилигини Хиротга кўчириб қелиб, молу мулк тайин қилган эди. Аммаси, буюқ Соҳибкироннинг кизи Султон Бахт бегим Шохрух Мирзо назаридан четда қолган деб бўлмайди. Айниқса, бегимнинг хомийлари Халил Султон ва Амироншоҳ вафотидан кейин шундай эътибор такозо этилган. Афсуски бу ҳақда тарихий асарларда гап йўқ.

Султон Бахт бегим Эронда, умрининг сўнгги йилларида Нишопурда яшаган. Фасих Хавофий бу ҳақда қитобининг 833-1429-1430-йиллар воқеалари акс этган қисмида маълумот беради, “Нишопурда улугвор хотун, Амир Соҳибкирон Амир Темур кизи Султон Бахт бека вафот этди”, деб ёзади у. Ибн Арабшоҳ қайд этганидек, феъланда эрқакларга хос мардлик, қайсарлик бўлган Султон Бахт бегим салтанатдан кўра, ундан олисда

яшашни, камтарона хаётни афзал билган, чоги. У тахминан 66-67 йил умр кўрган.